

## **ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНИНИ ШАҲАР АҲОЛИСИГА КЎРСАТАДИГАН ТАЪСИРИ.**

*Тошкент Тиббиёт Академияси Мустақил изламувчиси*

**Низамов Азизбек Каримбоевич**

Сўнгги ўн йилликда атроф муҳит таркибидаги электромагнитли ифлосланишни бир неча ўн мартага ортиши етарли даражада долзарб ва жиддий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Электромагнит майдон (ЭММ) электр ва магнит майдонининг мажмуасидан ташкил топган, электр зарядланган таналар билан ўзаро таъсирланувчи физик майдонни ташкил этади, улар эса маълум шароитда бир бирини ҳосил қилиши ҳам мумкин. Электромагнит ифлосланишининг асосий манбаси бўлиб, турли ишлаб чиқариш манбалари, очиқ тарқатувчи қурилмалар, радиосигналлар, уяли алоқанинг базавий станциялари, электротранспорт, маиший электр қурилмалари ҳисобланади. Ҳозирги вақтга қадар электромагнит майдонини биологик хавфлилигини ўрганиш лаборатория шароитида, тест полигонларида ва бир қатор тор мутахассислик ишлаб чиқариш соҳаларида ўтказилиб келди ва бунда мазкур тадқиқотлар доирасида амалий жиҳатдан селитеб ҳудуддаги турар жой ва жамоат бинолари шароитида физик майдонларнинг амалдаги ҳақиқий тақсимланиш жадаллигига ҳолис баҳо берилмади. Жумладан бир қатор муаллифлар олиб борган тадқиқотлар кўрсатдики, шаҳар ҳудудида ташкил этилган қурилишлар ЭММнинг манбаси бўлиб ҳисобланади, унинг катталиги эса ер юзасида майдоннинг етарли даражадаги доимий тузилишини яратади, ЭММни ташкил этувчи магнит майдон катталиги эса бинодан узоқлашган сари камайиб боради, бироқ зич қурилишлар ҳолатида 40 м масофада бу катталик бир бирига яқин турган бинолар ҳисобига яна ортиб боради. Бунда энг асосий хавф шундан иборатки, энг қатъий расмий санитар-гигиеник талаблар ҳам шаҳар аҳолисини ЭММнинг экологик юкламасини тақсимланишидаги турли туманликни кафолатламайди, чунки шаҳар муҳити шароитида электромагнитли зарарланиш уни тарқалиш ҳолатига нисбатан етарли

даражада мураккабдир ва у шаҳар муҳити объектларини ўзаро таъсирини бир қатор физик жараёнлар билан ўзаро таъсирланишига боғлиқ бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, шаҳар муҳитида ЭММ ни юза бўйлаб тақсимланишидан ташқари, электромагнит муҳитини вертикал бўйлаб ўзгариши ҳам жуда кўп аниқланади (1 қаватга нисбатан солиштирилганда юқориги қаватларда у 8-10 марта ёмонроқ натижаларга эга бўлади). Шу сабабли таъкидлаб ўтиш мумкинки, ҳозирги вақтда экологик хавфсизликнинг электромагнит таркиби шаҳар аҳолисига таъсир қилаётган аниқ экологик юклама тўғрисида тўлиқ маълумот бермайди ва бунда ЭММга нисбатан ўрнатилган санитар нормативларнинг мутлоқ катталиклари электромагнит майдон манбаларидан бир неча ўн метрларда юқори натижаларни кўрсатмайди. Афсуски, экологик мониторинг билан шуғулланувчи аксарият ташкилотларнинг моддий-техник базаси бундай кичик ўзгаришларни аниқлашга имкон бермайди.

Шаҳарлар шароитида атроф муҳитдаги мавжуд бўлган аниқ омиллар сифатида электромагнит майдонини ўрганишда бир қатор турли кўрсаткичлар (электромагнит майдоннинг мавжудлиги, уларни тури ва манбаси, турар жой биноларининг зичлиги, одамлар кўп сонда тўпланиши мумкин бўлган жойлар) ўрганишни талаб этади. Айниқса аҳоли катта сонда тўпланадиган ва яшаш биноларни зич жойлашган ҳудудларни танлаб олиб текшириш ишларини олиб бориш билан маҳаллий электромагнит майдорининг зарарли таъсирлари баҳоланади.

Мазкур физик омил табиий ва сунъий манбалардан келиб чиқадиган, электр ва магнит майдонларидан ташкил топган физик ҳодиса бўлиб, унинг инсон саломатлигига таъсири билан боғлиқ муаммолар замонавий жамиятда кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. Электромагнит майдони турли манбалардан, жумладан, мобил телефонлар, компьютерлар, электростанциялар, радио ва телевизион тўлқинларидан пайдо бўлади. Бу майдонлар аҳоли учун кўпинча кўринишсиз ва тўғридан-тўғри сезилмайди, аммо уларнинг узоқ муддатли

таъсири ҳар қандай жиҳатдан ёмон бўлиши мумкин. Электромагнит майдонининг зарарли таъсири одамлар организмига турли хил бўлиши мумкин. Бу таъсирлар жисмоний ва психоэмоционал ҳолатларга, шунингдек, неврологик ва иммун тизимга таъсир қилиши мумкин. Илмий тадқиқотлар натижалари шундан далolat берадики, инсонлар узоқ муддатли электрон асбобларни ишлатишда ёки турли электромагнит манбаларидан узоқ бўлмаган жойларда ишлашда бевосита зарарларга дуч келиши мумкин. Буларга: неврологик ва психоэмоционал таъсирлар; юрак қон томир тизими фаолиятига кўрсатадиган таъсирлар; иммун тизимига кўрсатадиган таъсирлар ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин. Электромагнит майдонининг аҳоли саломатлигига зарарли таъсири шубҳасиз аҳамиятга эга бўлиб, бу муаммо доимий мониторингни ва зарарли таъсирларни камайтириш учун чоралар кўришни талаб этади. Технологияларнинг ривожланиши билан бирга, инсонларнинг электромагнит майдонларига бўлган таъсири ҳам ортиши мумкин. Шунинг учун бугунги кунда аҳолига маълумот бериш ва хавфларни камайтириш йўллари излаш муҳим аҳамиятга эга.